

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

ГУЛЯМОВА ЗАРИНА РАХМАТИЛОВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА АНТИТЕЗА СТИЛИСТИК
ВОСИТАСИ ҚЎЛЛАНИШИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ-КОГНИТИВ ВА
МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: 811.111'373.2:796.9

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in
Philological sciences**

Гулямова Зарина Рахматилоевна

Инглиз ва ўзбек тилларида антитеза стилистик воситаси қўлланишининг
концептуал-когнитив ва миллий-маданий параметрлари..... 5

Гулямова Зарина Рахматилоевна

Концептуально-когнитивные и национально-культурные параметры
использования стилистического приёма антитезы в английском и узбекском
языках 19

Gulyamova Zarina Rahmatiloyevna

Conceptual-cognitive and national-cultural parameters of using stylistic device of
antithesis in English and Uzbek languages 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 39

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

ГУЛЯМОВА ЗАРИНА РАХМАТИЛОВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА АНТИТЕЗА СТИЛИСТИК
ВОСИТАСИ ҚЎЛЛАНИШИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ-КОГНИТИВ ВА
МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.2.PhD/Fil1300 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Алимова Мухарам Хаятовна филология фанлари номзоди, доцент
Расмий ошпонентлар:	Киселёв Дмитрий Анатольевич филология фанлари доктори Косимова Нафиса Фарходовна филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «31» май соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-57, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (132 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил «13» май куни тарқатилди.
(2022 йил «13» май даги 22-03- рақамли реестр баённомаси).



Д.С. Ўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

З.И. Расулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

М.М. Жўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигининг замонавий босқичи инсон омили ҳукмронлиги чегараларида юзага келган лингвистик йўналишлар, жумладан, прагмалингвистика, лингвомаданиятшунослик, психоллингвистика каби соҳаларнинг тараққий этиши билан характерланади. Бу жараёнда тил ва маданият интеграцияси лисоний ҳодисаларни, тил услубиятини, унинг алоҳида элементларининг концептуаллашув қонуниятларини когнитив аспектда қиёсий ўрганиш муҳимлигини белгилаб берди. Зеро, турли тизимли тил ва маданият платформаларида воқеланган стилистик восита (антитеза)ларнинг коммуникатив-функционал, контекстуал, лексикографик, лингвистик ва экстралингвистик табиатини кузатиш тилшунослик назарий концепцияларини, икки миллат маданий ахборотини теран идрок этиш, инсон мантиғи ва тафаккурининг тил функционалиги фалсафасида намоён бўлишини илмий талқинга тортиш имконини беради.

Дунё лингвистик услубшунослигида антитеза ҳодисасининг лексик-семантик, структур-функционал, семантик-морфологик, синтактик-коммуникатив хусусиятлари, таснифларига бағишланган монолингвал ва компаратив характерда бўлган кенг кўламли изланишлар олиб борилган. Бироқ антитезанинг миллий қолип сифатидаги мақоми, унинг асосий концептосфераси, функционалигининг гендер омиллари, дунё бадий манзарасини тақдим этиш ва тафаккур ҳосиласи сифатида коммуникатив жараёни воқелантириш хоссаларини когнитив-ментал, лингвомаданий, психоэтнолингвистик аспектларда тиллараро қиёслаш каби устувор вазифалар ижроси бадий матнда концептуал мазмуннинг шаклий кўринишларини очиб беришга, муаллиф шахсининг бадий дискурс миллий-маданий манзарасини яратишдаги этноцентрик позициясини белгилашга хизмат қилади.

Мамлакатимиз ўзининг миллий тараққиёт стратегиясини белгилаб олган босқичда мультимаданий дунё ҳамжамиятига интеграллашув жараёни филология соҳасининг антропоцентрик парадигма йўналишида тараққий қилишини тақозо этди. «... Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ва ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини чет тилларига таржима қилиш чора-тадбирлари дастури»¹ қиёсий тилшунослик, бадий адабиётшунослик ва таржимашунослик кесимида дунё ички ва ташқи манзарасини лисоний-эстетик сатҳда кузатиш, лингвомаданиятдаги универсал, умумфалсафий концептларни таҳлил қилиш борасидаги илмий изланишлар сифати ва кўламини ошириш каби устувор стратегик вазифаларни белгилаб берди. Бу, ўз навбатида, ҳар иккала миллат лисоний тафаккури ва маданиятига хос бўлган коннотациялар, ҳиссий образлар, борлиқни вербал баҳолаш ҳақидаги илмий тасаввурларнинг теранлаштирилишига кенг йўл очади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши.//Халқ сўзи, 2017 йил 13 январь. -№9 (6703).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги № ПФ-5850 “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Стилистик воситалар масалалари доимо олимлар диққат эътиборида бўлган. Шунинг учун кўплаб тилларнинг, жумладан, инглиз тилининг ҳам стилистик воситалари муайян даражада ўрганилган. Инглиз ва бошқа хорижий тилларда² ҳамда рус тилида³ умумий ва хусусий стилистик воситалар бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Анъанавий нуқтаи назардан антитеза стилистик воситаси И.Р.Гальперин, И.Р.Арнолд, В.А.Кученко, Ю.М.Скребнев, М.Д.Кузнец, Н.М.Ренинкина, В.В.Гуревич, И.Т.Кошева, Т.А.Знаменская, Л.В.Косоможкин каби олимлар асарларида ўрганилган. Ушбу асарларда антитеза ўзининг таркибий ва

²Borgmann, D.A. Sets of mutually antonymic words// Word Ways. The Journal of Recreational Linguistics (New Jersey). 1988. - vol. 21. - № 1. -p. 20-21. Cognitive Stylistics/ ed. by E. Semino, J. Culpeper. Amsterdam / Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 2002. - 361 p. Nayer V.L. Stylistics and pragmatics. М.:MSLU, 2002. - 51 p. Ogden, Charles Kay. Opposition. A linguistic and psychological analysis. -London: Paul, Trench Trubner and Co., 1932. 103 p.

³Алефиренко Н.Ф. Дискурс как смыслопорождающая категория// Язык. Текст. Дискурс: межвузовский научный альманах, вып. 3/ под ред. Г.Н. Манаенко — Ставрополь ПГЛУ: Пятигорск, 2005. - с. 6 - 14; Бабенко Л.Г. Лингвистический анализ художественного текста. Теория и практика: Учебник; Практикум/ Л.Г.Бабенко, Ю.В.Казарин. М.: Флинта: Наука, 2003. - 496 с; Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка. М.: Изд-во лит-ры на иностр. языках, 1958. - 459 с.; Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода// Вопросы языкознания, №4, 1994. с. 17 -33; Иришханова К.М. Стилистические ресурсы языка и парадигмы их исследования// Стилистические аспекты дискурса: сборник научных трудов МГЛУ, вып. 451, 2000. с. 16 - 27; Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. Минск: Тетра Системс, 2004.-256 с.; Молчанова Г.Г., Тарбеева О.В. Лингвокультурные концепты и паремическое моделирование//Концептуальный анализ языка: современные направления исследования: Сб. научных трудов. М.: Институт языкознания РАН, 2007. - с. 42-59; Рудяков Н.А. Основы анализа художественного текста. Киев: Наукова Думка, 1989. - 150 с.; Седов К.Ф. Дискурс и личность: эволюция коммуникативной компетенции. М.: Лабиринт, 2004. - 320 с. Филиппова Т.И. Семантико-синтаксическая структура антитезы и её стилистические функции: Автореф. канд. филол.наук. -М., 1986. 14 с.

семантик хусусиятлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Ўзбек тилшунослигида антитеза стилистик воситаси Р.Кўнғуров, А.Мамажанов, И.Усаров ва Г.Келдиёрова каби олимлар томонидан кўриб чиқилган бўлиб, Л.Т.Бабаханованинг диссертациясида қарама-қаршилик назарияси, бир ўлчовли ва кўп ўлчовлилик мезонларидан келиб чиққан ҳолда антитеза стилистик воситаси қурилиши каби жиҳатлар таҳлили келтирилган.

Антитезанинг концептуал аспекти, унинг бадиий дискурс яратишдаги мақоми тадқиқи А.Н.Гвоздев, Л.А.Голякова, О.С.Ахманова, Г.В.Андреева, Н.С.Трубецкой, Н.Д.Арутюнова, С.Н.Кузнецов, Т.В.Матисев, А.Н.Мороховский ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Хорижий адабиётшунослик, қиёсий стилистика ва тилшуносликнинг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларида антитеза стилистик воситасининг концептуал-когнитив ва миллий-маданий параметрларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лингвокультурология ва когнитив лингвистиканинг асосий тушунчаларини очиб бериш;

тилшуносликнинг янги йўналишлари нуқтаи назаридан стилистиканинг вазифаларини белгилаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги антитезанинг тузилиши ва услубий аҳамиятини кўриб чиқиш ва уларнинг изоморф белгиларини аниқлаш;

антитезани маданий тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш;

антитезанинг когнитив моҳиятини таҳлил қилиш;

инглиз ва ўзбек тилларида антитезанинг гендер асосларини аниқлаш;

антитезанинг концептуал ва культурологик аҳамиятини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида антитеза стилистик воситаси ишлатилган инглиз ва ўзбек тилларидаги бадиий матнлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек тилларидаги антитеза қўлланишининг концептуал-когнитив ва миллий-маданий параметрлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таснифлаш, қиёслаш, функционал, бадиий-контекстуал, концептуал, кроссмаданий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек лингвомаданиятида антитезанинг оппозиция тамойили асосида миллат тили, ахлоқ меъёрлари, эътиқоди, турмуш тарзида ўрнашган миллий-хусусий, умуминсоний, универсал белгиларни ташувчи ва ўхшаш маданий концептларни вербаллаштирувчи маданий қолип эканлиги исботланган;

антитезанинг асосий мазмунини ифодалашда от, сифат, феъл сўз туркумларининг бирламчи мавқега эга эканлиги, турли бирикувларда фикрни тўлдириш ва аниқлаш, эмоционал-баҳоловчи муносабатни ифода этиш, стилистик эффект бағишлаш каби қўшимча бўёқдорликни таъминлаш мақсадида ишлатилган равиш, олмош, предлогларнинг эса иккиламчи характерда эканлиги асосланган;

қиёсланаётган тиллар лингвомаданиятида тажовузкорлик, ҳукмдорлик, устунлик, мустақиллик, қатъият, мақсадлилиқ каби маскулин (мужской род) ва эмоционаллик, ғамхўрлик, дўстлик, хушмуомалалиқ, кўнгилчанлик каби феминин (женский род) параметрларга эга антитезаларнинг ўзаро диалектик боғланган категориялар эканлиги, гендер белгиланганлик касб этиши далилланган;

ҳар иккала тилда контраст жуфтликни ифодаловчи лисоний воситаларнинг марказий сатҳини тилда мустаҳкам ўрнашган турли ўзакли ва ясама антонимлар, конверсивлар, феъл предикатларининг тасдиқ-инкор оппозициялари ташкил этиши ва мазмуний қарама-қаршилиқни ифодаловчи тил элементлари стандартлашуви даражасининг пасайиши маъно воситаларининг марказдан периферияга чекинишида намоён бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

антитеза стилистик воситаси тилшуносликнинг янги йўналишлари – когнитив лингвистика ва маданий тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган ва бу антитезани когнитив тузилма ва маданий модел сифатида кўриб чиқиш имконини берган;

структуравий-семантик, стилистик, прагматик, когнитив ва лингвомаданий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда антитезани таҳлил қилишнинг комплекс методологияси ишлаб чиқилган;

антитезанинг когнитив тузилма ва маданий модел сифатидаги мақомини ва ушбу стилистик воситанинг инглиз тилини ўқитиш амалиётида стилистика, когнитив тилшунослик ва ҳамда маданий тилшунослик бўйича назарий курсларда ҳам фойдаланиш имконияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, олимларнинг назарий фикрларига таянилганлиги, тадқиқотда замонавий стилистика ва типология ютуқларидан келиб чиққан ҳолда чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, қиёслаш, функционал, бадиий-контекстуал, концептуал, кроссмаданий таҳлил усуллари орқали далилланганлиги, шунингдек, назарий фикр ва натижаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган хулосаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар инглиз ва ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги кесимида стилистик воситалар функционаллигининг когнитив ва миллий-маданий талқинига замонавий ёндашувни шакллантириши, антитезани таҳлил қилишдаги ушбу ёндашув когнитив лингвистика ва когнитив стилистиканинг янги йўналишини

ривожлантиришга ҳисса қўшиши, шунингдек, стилистик воситаларнинг миллий-маданий, концептуал хусусиятларини ўрганишда асосий манбалардан бири бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган илмий натижалардан олий таълим тизимида когнитив тилшунослик, когнитив стилистика, лингвوماданиятшунослик, лексикология назарияси фанларидан махсус курс ўтишда, шунингдек, ушбу фанлар бўйича дарслик, қўлланма ва услубий тавсиялар яратишда фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек, тадқиқотнинг хулоса ва материалларидан инглиз, рус ва ўзбек тилларида ўтказиладиган амалий машғулотларда, курс ишлари, битирув-малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари ҳамда ўқув-услубий қўлланмалар ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тили стилистик воситаларининг тадқиқи жараёнида олинган илмий натижа ва хулосалар асосида:

ҳар бир халқнинг тили ва маданиятида миллий ўзига хос, умуминсоний, универсал, фақат унга хос бўлган, тилида мустаҳкамланган маданий маънолар, ахлоқий меъёрлар, эътиқодлар, хулқ-атвор намуналари ва бошқаларни ифодаловчи антитезанинг кучли тасвирий ва экспрессив восита сифатида дунёнинг концептуал расмини очиб беришига оид хулосалардан давлат бюджети томонидан молиялаштирилган ОТ-Ф4-79 рақамли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат техника университетининг 2021 йил 10 ноябрдаги 01/9-14-3164-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек ва инглиз тилларида антитезанинг асосий мазмунини ифодалашда стилистик эффект бағишlash каби қўшимча бўёқдорликни таъминlash мақсадида ишлатилган равиш, олмош, предлогларнинг эса иккиламчи характерда эканлигини аниқlashга эришилган;

Инглиз ва ўзбек тилларида муайян универсал хусусиятларга эга бўлган ва ўхшаш маданий тушунчаларни қарама-қаршилик тамойилига кўра вербализация қилувчи антитеза стилистик воситасининг маданият шакли сифатида талқин қилиниши билан боғлиқ хулосалардан “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижодкорлигида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 31 майдаги 05/1-02-107-сон далолатномаси). Натижада, ҳуқуқий давлат ва демократик жамият қуриш йўлидан дадил одимлаб бораётган мамлакатимизда хотин-қизларнинг эркеклар билан барча соҳада тенглигини таъминlashга, уларни улуғlash ва кадрlashга, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий ҳуқуқ тизими яратилди.

антитеза стилистик воситаси қўлланишининг концептуал-когнитив ва миллий-маданий хусусиятлари таҳлилига доир хулосалардан “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижодкорлигида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 03 ноябрдаги 04/5-11-61-сон далолатномаси). Натижада, маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг

устуворлиги, маданиятлараро муносабатларда тенг ҳуқуқлилик, маданий фаолият соҳасидаги таълим ва тарбиянинг тизимлилиги, илмийлиги ҳамда узлуксизлиги ҳақидаги тасаввурлар аниқлигига эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та, жумладан, 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, улардан, 7 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 152 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг назарий асослари”** деб аталган биринчи бобида стилистика, маданий тилшунослик ва когнитив лингвистика ҳақида сўз боради. Тилшуносликнинг когнитив тилшунослик ва маданият тилшунослиги каби янги йўналишлари таъсирида стилистикада маълум концептуал ўзгариш кузатилмоқда, стилистиканинг айрим анъанавий қоидалари, шунингдек таҳлил усуллари қайта кўриб чиқилмоқда. Хусусан, стилистик восита тушунчаси қайта кўриб чиқилмоқда. Анъанавий стилистик воситалар уларнинг таркибий, семантик ва функционал хусусиятларига кўра кўриб чиқилди. Бироқ, бундай таҳлил стилистик воситанинг чуқур семантикасини очиб беришга имкон бермайди. Шу муносабат билан бизнинг ишимизда антитеза стилистик воситасини асосан унинг когнитив моҳияти ва миллий-маданий ўзига хослиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Ушбу тадқиқот когнитив тилшунослик ва лингвокультурология каби тилшуносликнинг янги йўналишларига мувофиқ амалга оширилди. Ушбу фанларнинг шаклланиши Д. Лакофф, М., Жонсон, А. Вежбицкая, Н.Д. Арутюнова, Е.С. Кубрякова, Н.Н. Болдирев, З.Д. Попова, И.А. Стернина каби олимларнинг фаолияти билан боғлиқ.

Когниция - бу инглиз тилидаги атама (cognition), унинг рус тилига қилинган таржимаси ноаниқ. Бу атама ўз мазмунига кўра унга энг яқин бўлган рус тилидаги "познание" атамасидан фарқ қилади. “Қисқа фалсафа энциклопедияси”да берилган изохда: “идрок”, “билим, билиш”. “Идрок” ҳам

билиш жараёнининг ўзи, я'ни билимларни эгаллаш жараёнини, ва бу жараённинг натижалари **билимни** англатади. Шунинг учун бу атама дунёни онгли равишда илмий билиш ёки назарий тафаккур жараёнларига ишора қилганда «идрок» атамаси билан бирга қўлланилади. Когниция (идрок) - инсон ҳаётида мақсадли, назарий билишни, оддий, кундалик (ҳар доим ҳам онгли бўлмаган) дунёни тушунишни, кундалик ҳаётда энг оддий, жисмоний, ҳиссий - визуал, ҳиссий - ҳаракат тажрибасини ўзлаштиришни ўз ичига олган тушунча булиб, инсон атрофидаги дунё билан ўзаро муносабатни ифодалайди. Когниция маълумот ва билим олишининг онгли ёки онгсиз жараёнидир. Бу жараён, шунингдек, трансформация, эса, хотирада сақлаш, ахборотдан фойдаланиш билан боғлиқ. Шунингдек, билиш дунёни идрок этиш, кузатиш, фикрлаш, нутқ ва ҳоказоларнинг психик жараёнларини қамраб олади.⁴

Антитеза кучли тасвирий ва ифодали восита бўлиб, санъат асарига дунёнинг концептуал тасвирини очиш учун ишлатилади. Антитеза маданий аҳамиятга эга бўлган тушунчаларни ифодалашга, халқнинг этник-маданий ўзига хослигидан далолат берувчи белгиларни танлашга ёрдам беради. Антитезани ҳам умуминсоний, ҳам миллий ўзига хос ва индивидуал маданият элементларини ўзлаштирган мураккаб, кўп босқичли ва кўп ўлчовли шаклланиш сифатида намоён бўладиган маданий модел сифатида кўриш мумкин.

Замонавий тилшуносликнинг кейинги устувор йўналишидан бири - гендер тилшуносликдир. Гендер лингвистикаси (лингвистик гендерология) фанлараро гендер тадқиқотлари доирасида лингвистик концептуал аппарат ёрдамида гендерни ўрганадиган илмий соҳадир.

Хорижий тадқиқотчилар қарийб ўттиз йил давомида тилдаги гендер омилининг фундаментал тадқиқотини фаол равишда олиб боришмоқда. Бу соҳада Ж. Деррида, С. де Бовуар, М. Фуко, П. Серио, Е. Нордгрэн, Е. Горошко, Л. В. Кирилина ва бошқаларнинг асарларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Антитеза стилистик восита сифатида тушунчалар, ҳодисалар, нарсалар, белгиларнинг қарама-қаршилигида намоён бўладиган контраст ҳодисасига асосланади. Лексик-фразеологик, фонетик ва грамматик бирликларнинг антонимида намоён бўладиган қарама-қаршилик ҳодисаси антитеза, оксиморон, акротеза, амфитез, диатезнинг стилистик усуллари ёрдамида амалга оширилади. Бадиий контрастни яратишда етакчи ролни мураккаб, кўп ўлчовли стилистик ҳодиса сифатида антитеза ўйнайди.

Лингвистик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, инглиз ва ўзбек тилларидаги антитеза структуравий, семантик ва функционал хусусиятларга кўра фрагментар тавсифга эга. Антонимларга асосланган юқоридаги стилистик фигуралар бадиий нутқда турли вазифаларни бажаради. Лекин асарнинг қарама-қарши бадиий маъноларини гавдалантиришда, қарама-қарши бадиий образлар яратишда асосий стилистик фигура антитезадир. Таърифланган таъсирнинг тасвирий ва экспрессив кучини ошириш учун ёзувчилар анъанавий равишда антитезага мурожаат қилишади. Бадиий

⁴ Кубрякова Е.С. и др. Краткий словарь когнитивных терминов. – М.: МГУ, 1996. – 245 с.

адабиёт муаллифлари антитезадан турли мақсадларда фойдаланадилар: ҳикоя номи, қаҳрамоннинг портрет характеристикасини яратиш, ландшафт эскизлари, қаҳрамонларнинг ички ҳолатини тасвирлаш ва бошқалар. Антитеза персонажларни, қаҳрамонларнинг муносабатларини ёритишга, муаллифнинг қаҳрамонларга муносабатини етказишга имкон беради.⁵

Шундай қилиб, антитеза катта услубий имкониятлар ва хилма-хил услубий функциялари билан ажралиб туради, деган хулосага келишимиз мумкин.

Диссертациянинг “**Инглиз ва ўзбек тилларида антитезанинг лингвистик моҳияти**” номли иккинчи бобида инглиз ва ўзбек тилларида антитезанинг семантик тузилиш турлари ҳақида маълумотлар келтирилган ва мисоллар билан асосланган. Антитезанинг семантик тузилиш белгиларини белгилаш антитезанинг стилистик функцияларини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун антитезани шакллантиришда нутқ турли қисмларининг иштирокини кўриб чиқиш ва антитезали гапларнинг асосий таркибий турларини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Турли хил нутқ қисмлари (отлар, сифатлар, олмошлар, эргаш гаплар, сонлар) қарама-қаршиликлар учун ишлатилиши мумкин.

Масалан, отга асосланган антитеза:

I am not yet so lost in lexicography, as to forget that words are the daughters of earth, and the things are the sons of heaven. (SiJohnson, Dictionary (preface).

Ўзбек тилида антитеза стилистик воситасини ўрганиш ҳам отнинг антитезада қўлланишини кўрсатди. Лингвистик материалнинг таҳлили ўзбек тилидаги отларнинг қўлланишида ўхшашлик ходисасини аниқлаш имконини берди.

Дўст бўла туриб душманнинг йўлини тутди, Менга нима, - деди, - жавобгар сенлар – биринг раис, биринг бригадир. Биз кичкина одам.

(Абдусaid Кўчимов “Ўзгил”)

Тўйхона ҳам азахона ҳам гавжум жой – таниш- нотаниш, дўст душман бор.
(Хуршид Дустмухаммад)

Бу мисолларда антитеза таркибидаги *дўст-душман, тўйхона-азахона, таниш-нотаниш* оппозицияларини (қарама-қарши маънолар) ажратиб кўрсатамиз.

Бундай қарама-қаршилик ўзбек тилида ҳам кам учрайди.

Шундай қилиб, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, ҳар бир маданият тили стилистик оппозицияларда (қарама-қарши маъноларда) ишлатиладиган лексик ва грамматик воситаларнинг ранг-баранг ва бой арсеналига эга.

Антитезани тилнинг самарали стилистик қурилмаси сифатида ажратиб олиш ва унинг бошқа стилистик воситалар орасидаги ўрнини аниқлаш антитезанинг лингвистик табиатини, лингвистик моҳиятини таҳлил қилишга

⁵ Петрова Г. В. Речевые средства контраста в романе Федина «Костер» // Стилистика художественной литературы. – М.: Просвещение, 1982. – С. 200- 205.

асосланади, яъни таҳлил антитезанинг вазифаларини тўғри тушуниш учун муҳим омил ҳисобланади.

Бадиий адабиётда гаплар таъсирчанлигини ошириш учун лингвистик воситалардан кенг фойдаланилади. Гапларда таъсирчанликни ошириш матннинг соф мантиқий мазмунига турли хил экспрессив ва эмоционал ранглар қўшилиши туфайли юзага келади. Бадиий нутқ, энг аввало, эстетик вазифани бажаради. Атрофдаги воқелик мажозий, конкрет-сенсуал шаклда тақдим этилади ва маълум бир объектга, унинг маълум бир луғат бирлигига бириктирилган ва луғатларда қайд этилган хусусиятларига қўшимча хусусият бериш қобилиятига эга.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий маданияти, жумладан тили, миллий анъаналари, тарихи, адабиёти мавжуд. XXI аср жаҳон тилшунослигида тил ва маданият ўртасидаги муносабатлар муаммоларига катта қизиқиш уйғотди. Мамлакатлар ва уларнинг халқлари ўртасидаги маданий, илмий, иқтисодий алоқалар маданиятлараро муносабатларни, тиллар ва маданиятларнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш билан боғлиқ долзарб мавзуларни яратади. Бундай тадқиқотларда етакчи рол замонавий тилшуносликнинг лингвокультурология соҳасига тегишли, чунки ҳозирги вақтда маданиятни ўрганиш муаммолари лисон билан боғлиқ булиб, маданиятнинг энг муҳим кўрсаткичи сифатида долзарб ҳисобланади. Лингвокультурология ёш ва истиқболли тилшунослик йўналишидир. Лингвокультурология муаммолари Н.Д.Арутюнова, Ю.С.Степанов, В.И.Карасик, В.В.Воробьев, В.А.Маслова ва бошқа тилшунос олимларнинг асарларида кўтарилган. В.А. Маслованинг таъкидлашича, “лингвокультурология - тилшунослик ва маданиятшунослик мажмуи асосида вужудга келган ва халқ маданиятининг тилида ўз аксини топган ва мустақкам ўрнашган кўринишларини ўрганувчи тилшунослик соҳасидир”.⁶ Лингвокультурологик йўналишнинг ривожланиши маданият ҳодисасини дунёда инсон ва жамият мавжудлигининг ўзига хос шакли сифатида тушунишга интилиш билан боғлиқ. Шу билан бирга, тил инсоният маданиятини, миллат менталитетини талқин қилиш воситаси сифатида хизмат қилади. Маданият айнан тилда акс этади ва у орқали авлоддан-авлодга ўтиб боради.

Лингвокультурология фаннинг алоҳида соҳаси сифатида ўзининг терминологик аппаратиغا эга: маданий матн, лингвокультурема, миллий маданий тасвир, маданий тушунчалар, концепция соҳалари ва бошқалар. Бу фан учун энг муҳим тушунчалардан бири “маданий концепт” тушунчасидир.

Кенг тарқалган ва фаол қўлланилишига қарамай, концепция тушунчаси ҳали ҳам аниқ таърифга эга эмас. Тилшунослик тушунчаларни ўрганиш ва тавсифлашда ўзига хос ёндашувларни ишлаб чиқади. В. И. Карасикнинг фикрича, “лингвокультурологик тушунча, онг ва маданиятни ҳар томонлама ўрганишга қаратилган шартли ақлий birlikдир”.⁷ А.Маслова маданий

⁶ Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. Минск: ТетраСистемс, 2004.-256 с.

⁷ Карасик В. И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Волгоград: Перемена, 2002. – 477с

тушунчаларни *виждон, қисмат, гуноҳ, қонун, озодлик, ватан* каби мавҳум тушунчалар билан боғлайди.

Лингвокультурологик таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири тушунчаларни вербализация қилишнинг лингвистик воситаларини аниқлашдир. Бошқача қилиб айтганда, концепцияни моделлаштириш катта аҳамиятга эга. Д.У.Ашурова лингвокультурология ва стилистика ўртасида яқин алоқалар мавжуд деган тахминга асосланади. Концептларни лингвистик ифодалашда стилистик воситалар катта роль ўйнайди, деб тахмин қилиш мумкин. Шу муносабат билан антитеза воситаси катта қизиқиш уйғотади. Антитеза - санъат асарида дунёнинг контцептуал тасвирини очиш учун ишлатиладиган кучли тасвирий ва экспрессив восита. Ушбу ишда миллий ўзига хос тушунчаларни аниқлаш мақсадида инглиз ва ўзбек лингвокультурологиясидаги антитеза стилистик воситасининг лингвокультурологик ва концептуал-когнитив таҳлилини ўтказишга ҳаракат қилинди. Инглиз ва ўзбек концептуал соҳасининг маданий доминантларини ўрганиш мақсадида таҳлил материали сифатида антитезага асосланган афоризмлар танланди.

Wealth and poverty (Богатство и бедность.)

Money may be husk of many things, but not the kernel. It buys you food, but not appetite, medicine, but not health, acquaintances, but not friends; servants, but not loyalty; days of joy, but not peace or happiness. *Henrik Ibsen*

Бу афоризмларда аччиқ киноя бор – бойликка эга бўлиш бахтли бўлишни англатмайди, унга интилиш бахт келтирмайди. Агар одам очкўзликдан, ҳасаддан ёки нафратдан азоб чекса, ҳеч бир бойлик унга енгиллик келтирмайди.

Бойлик ва камбағаллик

Бойнинг хотини бўлгунча, камбағалнинг кавуши бўл.

Бойнинг ўгли келса- тўрға, камбағалнинг ўгли – гўрға.

Камбағал тўйса, бой ухламас.

Ўз ерида юз туман, ҳар бир дирам ,

Базл ишида тенг кўрар аҳли карам.

А. Навоий

Ўзбек мақолларида бой одам очкўз, худбин деб қораланади. Бу мақолларда очкўзлик инсондан, меҳрибонлик, раҳм-шафқат ва сахийликдан устун туриши, худбин одам эса муқаррар равишда эгоистга айланиши тасвирланади.

Амалга оширилган таҳлиллар ҳар бир халқнинг маданиятида ва тилида антитеза ердамида ифодаланган афоризмлар умуминсоний (умумхалқ) ва миллий хусусиятга эга эканлиги ҳақидаги умумий қабул қилинган фикрлар мазкур тадқиқотда яна бир марта тасдиқланди. Шу билан бирга, ҳар қандай маданиятда фақат унга хос бўлган тилда, ахлоқий меъёрларда, эътиқодларда, хулқ-атвор хусусиятларида ва бошқаларда мустаҳкамланган маданий қадриятлар мавжуд.

Диссертациянинг **Инглиз ва ўзбек тилларида антитезанинг концептуал аҳамияти** номли учинчи боби “Антитезанинг асосий тушунчаси”, “Антитезадаги гендер омил” ҳамда “Дунёнинг бадиий расмини тасвирлашда антитезанинг роли” деб номланган уч фаслдан таркиб топган.

Ушбу бобда икки тилда антитезанинг асосий концептуал соҳаларининг қиёсий таҳлили келтирилган. Қарама-қарши маъноларда асосланган антитеза, ўзининг лисоний моҳиятига кўра, концептуал соҳаларни шакллантиришда иштирок этиши мумкин. Биз аллақачон маданий модел сифатида маданий тушунча ва антитеза тушунчаларини кўриб чиқдик. Ушбу бўлим муайян миллий концептуал соҳаларни яратишда антитезанинг ролини ўрганишга бағишланган.

Маълумки, концептосфера тушунчаси академик Д.С. Лихачев томонидан киритилган. Д.С.Лихачев қуйидаги таърифни беради: “Шахснинг луғат бойлигида, қолаверса, бутун тилда кашф этилган потенциалларни концепция соҳалари деб аташ мумкин. Миллий тилнинг концептосфераси (концептуал соҳаси) қанчалик бой бўлса, миллатнинг бутун маданияти - унинг адабиёти, фолклори, илм-фан, тасвирий санъати шунчалик бой бўлади (у тилга, демак, миллий концептуал соҳага ҳам бевосита таъсир қилади), у халқнинг бутун тарихий тажрибаси ва айниқса дин билан боғлиқдир”.⁸

Миллий концептосфера - индивидуал, гуруҳ, синфий, миллий ва умуминсоний тушунчалар тизими, яъни умуминсоний қадриятга эга бўлган тушунчалардир. Миллий маданий қадриятлар асосий тушунчалар, масалан, *ватан, она, оила, озодлик, севги, эътиқод, дўстлик* ва бошқалар асосида шаклланади. Фақат умумий, универсал тушунчалар мавжуд бўлгандагина халқлар ўртасида ўзаро тушуниш имконияти мавжуд булади. Бошқа томондан, ҳар бир халқнинг ўзига хос қадриятлар тизими, ўзига хос дунёқараши мавжуд. Ҳар бир маданият ўзига хос дунёқарашга асосланган онг ва хулқ-атворнинг ўзига хос стереотипларини шакллантиради. Шундай қилиб, асосий тушунчалар универсал бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бир халқ учун ифода усуллари ҳар хил.

Маълумки, жамиятдаги ҳар бир шахс эркак ёки аёл гендер ролига эга. Улар асосида эркаклар ва аёлларнинг хулқ-атворидаги хусусиятлар, улардан кутилаётган реакциялар ва хатти-ҳаракатлар, фақат эркаклар ёки фақат аёллар учун мақбул бўлган фаолият турлари тўғрисида умумлаштирилган ғоялар шаклланди - бошқача айтганда, инсон тили ижтимоий, маданий, маърифий, илмий ва бошқа соҳалар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ижтимоий онгда шаклланган гендер стереотипидир.

XX-асрнинг бошидаек чет эл тилшунослари (Маутнер, Есперсен) гендер муаммоси билан шуғулландилар, аммо концепцияни ишлаб чиқиш бўйича асосий ҳаракатлар 60-йилларнинг ўрталарида олимлар томонидан амалга оширилди : Лакофф Р., Фишман П., Зиммерман Дон ва бошқалар. Рус гендер мактаби 80-йилларнинг охирида маълум бўлди (И.И. Халеева, А.В. Кирилина, Д.Ч. Малишевская ва бошқалар). 90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб гуманитар фанларда гендершуносликнинг жадал ривожланиши

⁸ Лихачев Д. С. Концептосфера русского языка // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология. – М.: Academia, 1997. – С. 280-288.

бошланди. Жинс атамасини нафақат табиий, балки ижтимоий ҳодиса сифатида ҳам тушуниш мавжуд. Замонавий тилшунослик тилнинг гендер жиҳатларини ўрганиш бўйича ўзининг илмий йўналишини - лингвистик гендерологияни ёки гендер лингвистикасини ишлаб чиқди. Буни кўплаб тилларда гендер масалаларига бағишланган кўплаб нашрларнинг пайдо бўлиши тасдиқлайди.

Тил ва нутқдаги гендер фарқлар эркаклар ва аёлларнинг ижтимоий роллари билан белгиланадиган гендер стереотипларини яратади ва маълум бир жамиятнинг ижтимоий-маданий муносабатлари, меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ шахснинг гендер ўзини ўзи белгилашига таъсир қилади. Гендер стереотипларининг шаклланиши аёллик ва эркаклик тушунчаларига асосланади.

Шундай қилиб, маскулин ва феминин (эркак ва аёл) атамалари бир бирига зид эмас, балки диалектик жиҳатдан ўзаро боғлиқ категориялардир. Ижтимоий жараёнлар эркакликнинг муҳим параметрларини тажовузкорлик, қатъиятлилик, ҳукмронлик, мустақиллик, қатъиятлилик, мақсадлилиқ ташкил қилиши, аёлликнинг муҳим параметрларини эса ҳиссийлик, ғамхўрлик, дўстлик, хушмуомалалиқ, самимийлик ташкил қилишини курсатади. Бироқ, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аёллик ва эркаклик ўртасидаги чегаралар хиралашганига қарамай, турли хил матнларда гендер белгилари сақланиб қолган.

Кўриниб турибдики, стилистик параметр гендер омилини ифодалашда энг муҳимларидан биридир. Шу нуқтаи назардан, стилистик воситаларни жинсни белгилаш нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқиш мумкин. Масалан, тегишли исмлардан фойдаланишга асосланган антономазиянинг стилистик услуби, албатта, гендерга боғлиқ бўлиб чиқади (He is a donjuane , she is an afroditte).

Шуни таъкидлаш жоизки, гендер омилининг антитезада намоён бўлиши ўзига хос хусусиятларга эга. Маълумки, антитеза гендер ассиметриясини ифодалашга ҳисса қўшадиган иккита қарама-қарши маъно баёнотларининг контрастига асосланади. Бошқача қилиб айтганда, антитезада эркаклик ва аёлликнинг гендер хусусиятларининг концептуал хусусиятларига кўра қарама-қаршилиги мавжуд.

Инглиз антитезасида эркак жасорати ва аёл назокати оппозицияси (қарама-қарши маънолилиги) асосан эркак ёки аёлга нисбатан истехзоли муносабатда бўлиши тасвирланади. Бу ҳолда инглиз антитезаларида аёл тушунчасида истехзоли муносабат икки жиҳатда намоён бўлади: а) аёл хислатларида мавжуд бўлган маккорлик, худбинлик, енгилтаклик каби салбий фазилатлар масхара қилинади.

Women first want to find out what is in your wallet, and second what is in your pants.

“Women are wonderfully practical” - murmured Lord Henry – “much more practical than we are. In situations of that kind we often forget to say anything about marriage, and they always remind us”.

/ Oscar Wild “The picture of Dorian Grey”/

Ўзбек тили лингвомаданияти биров бошқача кўринишга эга. Аёл эркакнинг ўрнини боса олмайди. Ўзбек лингвомаданиятида оила муносабатларига катта эътибор берилган. Оилада етакчи роль эркакка берилади, у оила бошлиғи, у қарор қабул қилади. Аёл, ўз навбатида, оила ўчоғи - посбони, фарзанд тарбиясида, уйдаги барча масъулиятни адо этишда унинг ўрни катта. Агар аёл эркакликни даъво қилмай, охиригача аёллигини қилса, у купрок иззат хурматга сазовор булади. Аёлда аёлга хос фазилатларни чеклаб, эркаклик хислатларни кучайтириш унга зиён етказиш демакдир.

ХУЛОСА

1. Диссертацияда стилистика ва когнитив тилшуносликнинг ўзаро таъсири, стилистика ва лингвокультурологиянинг ўзаро таъсири, стилистика ва гендер лингвистикасининг ўзаро таъсири, концептуаллаштириш муаммоси ва концепция тушунчаси, когнитив-стилистик таҳлил методологияси каби умумий тилшуносликнинг муҳим муаммолари кўриб чиқилади.

2. Лингвистик материал таҳлили шуни кўрсатдики, антитеза стилистик воситаси муҳим стилистик воситалардан бири бўлиб, матнларни таркибий ва семантик ташкил этишнинг асосий асосларидан бири бўлиб хизмат қилади, чунки у муаллифлар бадий ижодиётининг индивидуаллиги ва ўзига хос адабий фикрлашини акс эттиради.

3. Антитезани стилистик восита сифатида ўрганиш унинг лексик компонентлари ва грамматик тузилишини кўриб чиқишни ташил этди. Антитезанинг стилистик қурилмасини ўрганишнинг навбатдаги босқичи ушбу стилистик воситани ҳар томонлама таҳлил қилишдан иборат булди.

4. Антитеза ҳодисаси ҳақидаги мавжуд тушунчаларни ҳисобга олган ҳолда, биз ушбу ишда афоризмлар, иқтибослар, мақоллар ва бадий матнларда фойдаланиладиган антитезанинг стилистик техникасини янада чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилдик.

5. Оддий ва мураккаб антитеза стилистик имкониятлар ва хилма-хил услубий функциялари билан ажралиб туради. Диссертация иши антитеза стилистик қурилмасининг мустақил стилистик қурилма ёки бошқа стилистик ҳодисаларнинг бирлиги учун асос бўлиб хизмат қиладиган стилистик бирлик сифатида ишлашни таъкидлайди.

6. Стилистикада антитезанинг грамматик тузилиши ва лексик компонентлари стилистик восита сифатида узоқ вақт давомида алоҳида тадқиқ этилган. Антитезанинг стилистик воситаси бўйича тадқиқотларни ривожлантиришнинг навбатдаги босқичи унинг комплекс таҳлили бўлиб, у антитезанинг янги, чуқурроқ хусусиятини тақдим этди ва элемент маъноларига ва антитетик баёнотлар тузилишига асосланган моделларини ишлаб чиқишга имкон берди деб айтиш мумкин.

7. Ҳар бир халқнинг тили ва маданиятида миллий ўзига хос, умуминсоний, универсал, фақат унга хос бўлган, тилида мустаҳкамланган маданий маънолар, ахлоқий меъёрлар, эътиқодлар, хулқ-атвор намуналари ва бошқалар мавжуд. Инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам маълум универсал

хусусиятларга эга бўлган ва ўхшаш маданий тушунчаларни қарама-қаршилик тамойилига кўра вербализация қилувчи антитеза стилистик воситасининг маданият шакли сифатида қаралиши мумкин.

8. Антитеза кучли тасвирий ва экспрессив восита бўлиб, санъат асарида дунёнинг концептуал расмини очиш учун фойдаланилади.

9. Антитеза маданий аҳамиятга эга бўлган тушунчаларни ифодалашга, халқнинг этник-маданий ўзига хослигидан далолат берувчи белгиларни аниқлашга ёрдам беради.

10. Бадиий адабиётда гаплар таъсирчанлигини ошириш учун лингвистик воситалардан кенг фойдаланилади. Бундай таъсирчанлик матннинг соф мантиқий мазмунига турли хил экспрессив ва эмоционал ранглар қўшилиши туфайли юзага келади. Антитеза стилистик воситасини маданий модел сифатида кўриш мумкин, у мураккаб кўп босқичли ва кўп ўлчовли шаклланиш сифатида намоён бўлади, у ҳам умуминсоний, ҳам миллий ўзига хос ва индивидуал маданият элементларини ўз ичига олади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ГУЛЯМОВА ЗАРИНА РАХМАТИЛОВНА

**КОНЦЕПТУАЛЬНО-КОГНИТИВНЫЕ И НАЦИОНАЛЬНО-
КУЛЬТУРНЫЕ ПАРАМЕТРЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
СТИЛИСТИЧЕСКОГО ПРИЁМА АНТИТЕЗЫ В АНГЛИЙСКОМ И
УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и
переводоведение**

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание учёной степени доктора философии (PhD) по
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

БУХАРА – 2022

Тема диссертации доктора философии по филологическим наукам (PhD) зарегистрирована под номером №B2021.2.PhD/Fil1300 в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) выложен на веб-странице Бухарского государственного университета (www.buxdu.uz) и на Информационном образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Алимova Мухарам Хаятовна
кандидат филологических наук, доцент

Официальные оппоненты: Киселёв Дмитрий Анатольевич
доктор филологических наук
Косимова Нафиса Фарходовна
доктор философии по филологическим наукам (PhD)

Ведущая организация: Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится 31 мая 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 по присуждению учёных степеней при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200118, г. Бухара, улица М.Икбол, 11. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-57, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрировано за № 132). (Адрес: 200118, г. Бухара, улица М.Икбол, 11. Тел.: +99865 221-25-87.)

Автореферат диссертации разослан 13 мая 2022 года.
(Протокол-реестр рассылки № 22-02 от 13 мая 2022 года.)



Д.С. Ураева
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор филологических наук, профессор

З.И. Расулов
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, кандидат филологических наук, доцент

М.М. Жураева
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор филологических наук, (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Возникшее в мировой лингвистике в связи с развитием науки и имеющее свою коммуникативно-функциональную природу в различных отраслевых контекстах акцентирование внимания на языковых единицах - терминах, связанных с ними лексикографических закономерностях и проблемах перевода, расширило рамки исследований в области терминологии. Необходимость адекватного понимания теоретических концепций современной западной лингвистики и литературоведения привела к необходимости научной интерпретации лингвистического статуса, интертекстуальной и интердискурсивной функциональности литературоведческих терминов, которые составляют значительную долю английской филологии. Действительно, наблюдение за терминологическими процессами как в лингвистических, так и в экстралингвистических широтах, определение их текстовых динамических свойств на основе дифференцированного и интегрального подхода даёт возможность теоретически оценить внутренние противоречия в сущности отраслевых терминов, явление лингвистической концептуализации, связанное с человеческой логикой и мышлением.

Исследования регуляции стилистических средств в мировой стилистике, проявления четкого концепта как концепта в определенном контексте, проводятся в рамках двух языков. Возрастающая роль этих стилистических инструментов в лингвистике, лингвокультурологии, неоднозначность знаний о механизмах их формирования требует выполнения таких приоритетов, как их лексикографическая, структурно-семантическая, формальная и семантическая интерпретация в контексте.

Интеграция нашей страны в мировое сообщество на этапе национального развития потребовала важных реформ в узбекском языкознании, что усилило ориентацию на изучение концепции английского литературоведения, занимающего высокий статус на мировой филологической платформе. «Программа мероприятий по переводу лучших произведений мировой литературы на узбекский язык и лучших произведений узбекской литературы на иностранные языки»¹ определила такую приоритетную стратегическую задачу, как повышение качества и масштаба научных исследований в лингвистике и литературоведении. В этом смысле работа посвящена исследованию стилистического приема антитезы в английском и узбекском языках на основе концептуально- когнитивного и национально- культурного параметров его функционирования.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5847 от 8 октября 2019 года «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», в Указе

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О создании комиссии по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению и популяризации культуры чтения и книголюбия». // Народное слово, 13 января 2017 г. - № 9 (6703).

Президента Республики Узбекистан № УП-5850 от 21 октября 2019 года «О мерах по радикальному повышению статуса и престижа узбекского языка в качестве государственного языка», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3271 от 13 сентября 2017 года «О комплексной программе мероприятий по развитию системы издания и распространения книжной продукции, книголюбия и популяризации культуры чтения», Постановлении № ПП-5117 от 19 мая 2021 года «О мерах по поднятию деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан на качественно новый уровень», а также других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением науки и технологии в республике и «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Вопрос о стилистических средствах всегда был в центре внимания ученых. Поэтому стилистические средства многих языков, в том числе английского², в определенной степени изучены. Был проведен ряд исследований общих и специфических стилистических средств на английском и других иностранных языках, а также на русском³. Проблема антитезы довольно хорошо изучена с традиционной точки зрения. В этом плане необходимо подчеркнуть работы И.Р. Гальперина, И.Р. Арнольд, В. А. Кухаренко, Ю. М. Скребнев, М.Д. Кузнец, Н.М. Разинкина, В.В. Гуревич, И. Т. Кошечая, Т. А. Знаменская, Л.В. Косоножкина и др. В этих работах антитеза рассматривается с точки зрения её структурных и семантических характеристик. В узбекском языкознании проблема антитезы рассматривалась такими учёными как Р. Кунгуров, А. Мамажанов, И. Усаров и Г. Келдиёрова. Особо следует отметить диссертационное исследование Л.Т. Бабахановой, в котором антитеза строится исходя из теории оппозиции и критериев

² Borgmann, D.A. Sets of mutually antonymic words// Word Ways. The Journal of Recreational Linguistics (New Jersey). 1988. - vol. 21. - № 1. -p. 20-21. Cognitive Stylistics/ ed. by E. Semino, J. Culpeper. Amsterdam / Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 2002. - 361 p. Nayer V.L. Stylistics and pragmatics. M.:MSLU, 2002. - 51 p. Ogden, Charles Kay. Opposition. A linguistic and psychological analysis. -London: Paul, Trench Trubner and Co., 1932. 103 p.

